
БОШҚАРУВНИ ЙЎҚОТГАН “ЛАСЕТТИ” ЭГАСИ АВТОМАШИНАНИ ЧИНОРГА УРДИ

20 ёшли Янгиқўрғонлик Ф.Ш. 11 декабрь куни тонгги соат 05.30 ларда ўзининг Ласетти русумли автомашинасини бошқариб бораётиб, бошқарувни йўқотиши оқибатида йўл ёқасдаги чинор дарахтига урилиб йўл транспорти ҳодисаси содир этди. Натижада автомашина ҳайдовчиси ва автомашинада бўлган 3 нафар йўловчи тан жароҳати олиб, туман марказий шифохонасига ётқизилди.

Олиб борилган тиббий муолажаларга қарамасдан фуқаро А.Қ. шифохонада вафот этди.

Ушбу ҳодиса юзасидан Ш.Ф.га нисбатан жиноят иши қўзғатилди.

Бувайда тумани ҳокимлиги Ахборот хизмати.

2019-12-21 12:23:18